

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ГУЛОМОВ ФУРКАТ КАЙЮМОВИЧ

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гуломов Фуркат Кайюмович

Мириizzi синдромини ташхислаш ва хирургик даволаш тактикасини
такомиллаштириш..... 3

Гуломов Фуркат Кайюмович

Совершенствование диагностики и хирургической тактики при
синдроме Мириizzi..... 21

GulomovFurkatKayyumovich

Improvement of diagnostics and surgical tactics at Mirizzi
syndrome..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ГУЛОМОВ ФУРКАТ КАЙЮМОВИЧ

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/Tib 594 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек ва рус), ҳамда инглиз тилида резюмеси илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хаджибаев Фарход Абдухакимович Тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ризаев Камал Саидакбарович, тиббиёт фанлари доктори Хакимов Мурод Шавкатович, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд Давлат Тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » январ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05, e-mail: uzmedicine@mail.ru).

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2020 йил « 25 » декабр куни тарқатилди.
(2020 йил « 25 » декабр даги 06 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.К. Алтыев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жахонсоғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаўт тош касаллиги (ЎТК) юзага келиш суръатининг ўсиши сабабли ушбу патологиянинг мураккаб шакллари билан оғриган беморлар сонининг ортиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Улардан бири Мириззи синдроми (МС) бўлиб, бир жараён доирасида гепатикохоледохнинг проксимал қисми торайиши ёки холецистобилиар оқманинг (ХБО) мавжудлиги ва деярли ҳар доим механик сариқлик ва йирингли холангитнинг (ЙХ) ривожланиши билан уюшиб келади. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра ЎТК асоратларининг орасида МС учраш суръати 2,7 дан 5,0 %гача бўлган кўрсаткични ташкил қилади, бунда ўлим ҳолатларининг учраши эса 14 % гача етади.

Бутун дунёда ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичларига биринчидан операциядан кейинги даврда механик сариқлик ва ЙХ оқибатида юзага келган эндотоксемия ва коагулопатиянинг ўсиши оқибатида жигар-буйрак етишмовчилигининг ривожланиши ва шаклланиши сабаб бўлади. Иккинчидан, магистрал ўт йулларининг шошилинич аралашувлар вақтида уларда мавжуд бўлган морфологик ўзгаришлар сабабли шикастланиш эҳтимолининг жиддий хавфи мавжудлигидадир. Учинчидан, операциядан кейин гепатикохоледох стриктурасининг аксарият ҳолатларда ривожланиш эҳтимоли бўлиб, у 20,8% эҳтимоли билан «...мураккаб реконструктив оператив аралашувларни...»¹ талаб этади. Шу муносабат билан ХБО юзага келиши билан асоратланган ЎТК ҳозирги вақтга қадар долзарблигича қолмоқда. Шу билан бирга ушбу муаммода ҳал этилмаган масалалар мавжудлигича қолмоқда.

Хусусан, ХБО билан асоратланган ЎТК ташхислаш масалаларида етарли даражадаги ноаниқликлар мавжуд, «...нур воситасида ташхислашнинг эндобилиар йўли ва замонавий усулларининг ўрни ва ролини асослаб бериш...»², уларни қўллаш кетма-кетликлари мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда ҳозирги вақтга қадар, ХБО билан асоратланган ЎТК хирургик коррекцияси бўйича ўтказиладиган анъанавий операциялар вақтида аниқ бир қўлланмани танлаш масалаларида хирурглар орасида қарашлар яқдиллиги мавжуд эмас. «...ўт пуфаги-билиар оқманинг ривожланиши билан асоратланган ЎТК билан оғриган беморларни лапароскопик даволаш усулларининг...»³ имкониятлари охиригача аниқланмаган. Шу муносабат билан ушбу патология ҳолатида шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишнинг аниқ бир меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда ҳозирги вақтда ХБО билан асоратланган ЎТК муаммосида

¹Глебова А.В. Синдром Мириззи: диагностика и дифференциальное хирургическое лечение: Автореф. дис... канд. мед. наук. – С-Пб., 2014. - 19 с.

²Хаджибаев Ф.А. Яхши сифатли механик сариқликни хирургик даволашда эндобилиар амалиётларнинг роли ва ўрни: тибб. фанлар докт.дисс.Тошкент, 2015, 84-115 бет.

³Antoniou S.A., Antoniou G.A., Makridis C. Laparoscopic treatment of Mirizzi syndrome: a systematic review // Surg. Endosc. - 2010. - Vol.24. - P.33-39.

келажакдаги тадқиқотларни амалга оширишнинг қатъий зарурати мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

Ушбу ҳилдаги тадқиқотларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сон «Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари билан тасдиқланган 5 та асосий йўналишни ўз ичига олган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси вазифаларини, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган вазифаларни муайян даражада бажаришга хизмат қилади⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан холецистобилиарокма ривожланиши билан асоратланган ЎТК билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган адабиётлардаги маълумотларшуни исботлайдики, кўплаб илмий тадқиқотларнинг ўтказилишига қарамадан, шошилинч билиар хирургияда Мириizzi синдромини ташхислаш ва даволаш муаммоси ҳозирги вақтга қадар ўз долзарблигини сақлаб қолаётганлигини тасдиқлайди. Бунда аксарият тадқиқотларнинг Мириizzi синдромини ташхислаш ва даволаш масалаларининг анъанавий клиник-лаборатор ва инструментал усуллар билан ўрганишга бағишланганлиги ҳолати ўзига жалб қилади, улар патологик жараёноғирлигини етарли даражада акс эттирсада, «...бирок ўзларининг инвазивлигига кўра турли асоратларнинг ривожланиш эҳтимолини ўзида яширин тутди...»⁵.

Масалан, Ҳалқлар Дўстлиги Университети (Россия) клиникасида, Singapore General Hospital (Singapore) тадқиқотларида асосий эътибор МС турли ҳилларининг кеч ташхисланиш сабабларини аниқлашга қаратилган эди.

Бунда ХБО билан келувчи МС касаллигининг кеч ташхисланиши кузатишларнинг 30-72% ҳолатларида «...ноаниқ клиник кўриниш, инструментал тадқиқотлар натижаларининг врачлар томонидан нотўғри

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 сонли Фармони.

⁵ Назыров Ф.Г. ва б. Мириizzi синдромини ташхислаш ва даволаш. Н.И. Пирогов номидаги “Хирургия” журнали. - 2010. - №4. - 67- 73-бет.

талқин қилиши билан боғлиқлиги...»⁶ қайд этилган. Keck Medical Center (Los Angeles) клиникаси, Alexandroupolis (Greece) университет клиникаси ходимлари маълумотлари эса МС билан оғриган беморларда интраоперацион ятроген шикастланишлар сонининг ошганлигига оиддир. Ушбу тадқиқотлар маълумотлари асосида ҳам МС касаллигини операциягача эрта ташхисловчи мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда ушбу турдаги операцияларни амалга оширувчи жаррохларнинг техник маҳоратини ошириш борасидаги масалаларни қайта кўриб чиқишга қарор қилинди.

Шу билан бирга қайд этиш керакки, ҳозирги вақтга қадар МС ни ташхислаш дастурида МСКТ, МРТ-холангиография кўринишидаги замонавий нур билан текшириш усулларининг ўрни ва роли охиригача белгиланмаган. Шу билан бир қаторда, ушбу турдаги беморларда мавжуд механик сариклик ва ЙХ ҳолатларини коррекциялашда турли эндобилиар аралашувлар кўллаш учун аниқ бир кўрсатмалар охиригача ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда «...ХБО шаклланиши билан асоратланган ЎТК билан оғриган беморларни даволашнинг ишончли лапароскопик усулини ишлаб чиқариш...»⁷га жуда кучли зарурат мавжуд. Ва ниҳоят, маълум бир клиник ҳолатларда ҳаракатларнинг аниқ равшан меъёрлари кўрсатиб ўтилган МС турли ҳилларининг даволаш-ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Ушбу илмий иш Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жумладан РШТЎИМ ПЗ-2017-0928602 «Гепатобилиар трактининг шошилиш хирургиясида хирургик тактикани такомиллаштириш ва реконструктив амалиётларининг янги усулларини ишлаб чиқиш»(2018-2020йй) амалий грант лойихасига мувофиқ бажарилди.

Тадқиқот мақсади юқори даражада маълумот берувчи ташхислаш усулларини кўллаш ва ушбу патологияни даволашнинг янги лапароскопик усулини ишлаб чиқиш йўли билан МириZZи синдроми билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

РШТЎИМ материалларининг ретроспектив таҳлили асосида МириZZи синдромининг турли типларини ташхислашни анъанавий ва замонавий усулларининг самарадорлигини аниқлаш;

МириZZи синдромининг турли типлари билан оғриган беморларда механик сариклик ва йирингли холангитларни бартараф қилишда рентген-эндобилиар аралашувлар турли усулларининг имкониятларини аниқлаш;

⁶Masih I. N., Moorehead R.J., Caddy G.R. Mirizzi's syndrome: a diagnostic dilemma // Ir. J. Med. Sci. - 2011. - Vol.180, N.4. - P.893-895

⁷Тамм Т.И., Мамонтов И.Н., Крамаренко К.А., Захарчук А.П. Возможности лапароскопического хирургического лечения больных с синдромом МириZZи // Вісник Вінницького національного медичного університета - 2016, №1, Ч.2 (Т.20), стр. 32-35

клиник амалиётга холецистобилиар оқма билан асоратланган Мириizzi синдромини хирургик даволашнинг янги лапароскопик усулини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

клиник амалиётга Мириizzi синдромининг турли типларини замонавий технологияларни кенг қамраб олиш йўли билан даволаш-ташхислашнинг янги алгоритмини яратиш ва тадбиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика Шошилинч Тиббий ёрдам Илмий Марказида 2002 йилдан 2019 йилгача стационар даволанишда бўлган МС билан оғриган 280 нафар бемор ҳисобланади.

Тадқиқот предмети турли ҳилдаги ташхислаш усулларининг натижалари, ҳамда МС турли типлари билан оғриган 280 нафар беморларда ўтказилган хирургик аралашувлари натижаларининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажариш учун умумий клиник, инструментал (УЗИ, ЭРПХГ, МРПХГ, ТОЖОХГ, ВЛС) тадқиқотлар, шу билан бирга тиббий-биологик статистика усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

йирик клиник материалда илк маротаба Мириizzi синдромини ташхислашнинг анъанавий ва замонавий усуллари натижаларининг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва самарадорлигини аниқлаш билан таҳлили ўтазилган;

илк маротабашошилинч тиббий ёрдам тизимида клиник амалиётга холецистобилиар оқма билан асоратланган Мириizzi синдромини лапароскопик даволашнинг янги усули ишлаб чиқилган ва жорий қилинган;

холецистобилиар оқма билан асоратланган Мириizzi синдроми билан оғриган беморларда ўтти ташқи тамонлама ҳайдаш учун клиник амалиётга тери орқали жигар орқали холангиостомия (ТОЖОХГ) усули тавсия этилган ва жорий қилинган;

Мириizzi синдромининг турли типлари билан оғриган беморларни даволаш тактикаси янги даволаш-ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш йўли билан янада такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мириizzi синдроми турли типларини анъанавий ва замонавий ташхислаш усуллари самарадорлигининг чегаралари аниқланган;

ишлаб чиқилган ва шошилинч тиббий ёрдам тизими амалиётида биринчи мартта қўлланилган холецистобилиар оқмали Мириizzi синдромининг лапароскопик коррекциялаш усули асоратларни 10,5% га ва ўлим ҳолатларини 1,8% гача камайтириш имконини берган;

холецистобилиар оқмали Мириizzi синдроми билан оғриган беморларда ташқи томонлама ўт ҳайдаш учун тери орқали жигар орқали холангиостомия усули тавсия этилган ва клиник амалиётга жорий қилинган;

ишлаб чиқилган янги даволаш-ташхислаш алгоритми Мириizzi синдроми турли типларини даволашнинг тўғри йўлини аниқлаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланилувчи клиник ва

статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт принципларига асосланади. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улар қўлга киритилган ҳолатлар, хулосалар ва тавсиялар ўлим ва ногиронлашишнинг юқори хавфи мавжуд бўлган хирургик аралашувларни талаб этувчи МС турли типлари кечишининг клиник-функционал хусусиятларини ўрганишда сезиларли даражада ўз улушини қўшишдан иборат. Тадқиқотнинг асосий назарий натижалари ташхислаш ва даволашнинг янги рақобатдош усулларини шакиллантириш мақсадида келажақда МС турли типлари кечишининг ўзига хосликларини ўрганиш учун асос бўла олади. Илмий ишнинг алоҳида натижалари МС турли типлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича талабалар, ҳамда магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларга таълим бериш дастури таркибини ва тузилишини такомиллаштириш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти илмий ишда мавжуд бўлган асосий хулосалар ва тавсиялар МС турли типларини ташхислаш ва даволашда қўлланилиши мумкинлигидан иборат. МС турли типларини ташхислаш ва даволаш жараёни МРТ-холангиография, ТОЖОХС, ушбу патологияни бартараф қилишнинг янги лапароскопик усулларини кенг қўллаш йўли билан сезиларли даражада муқобиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МС турли типлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича ўтказилган илмий иш натижалари бўйича:

«ХБО билан МС касаллигини даволашнинг янги лапароскопик усули» ишлаб чиқилди (25.03.2019 йилдаги IAP 20190005 сонли ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлиги қарори). Холецистобилиар оқма ярали МС билан оғриган беморларда таклиф этилган усулнинг қўлланилиши даволаш натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар сонини қисқартириш имконига эга;

«МС турли типларини ташхислаш ва даволаш алгоритми» ишлаб чиқилди (ЭХМ дастури учун 27.03.2020 йилдаги DGU 08024 сонли олинган патент). Мириizzi синдроми турли типлари билан оғриган беморларда таклиф этилган дастурнинг қўлланилиши ушбу патологияни ташхислаш жараёнини ва даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берди;

«Мириizzi синдромининг II типда даволаш-ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси чиқарилган (Тошкент, 2020).

Таклиф этилган МРТ-холангиография, ТОЖОХС усуллари, ҳамда холецистобилиар оқмали МСни бартараф қилишнинг биз томондан ишлаб чиқилган янги лапароскопик усули РШТЁИМ хирургия ва реанимация бўлимлари ва марказнинг иккита филиали фаолиятига жорий қилинди (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 09.10.2020 йилдаги 8н-д/155 сон хулосаси). Қўлга киритилган маълумотлар МС турли типларида операциядан

кейинги асоратларни ишончли равишда 20,4% дан 10,5% га, ўлим билан яқун топувчи ҳолатларни 5,8% дан 1,8% га ва беморларни стационар даволанишларини $18,4 \pm 1,3$ дан $10,3 \pm 0,9$ кунгача қисқартиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқарова 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 1 та услубий тавсиянома, 4 та журнал мақоласи, бундан 2 таси Республика журналларида ва 2 таси хорижий журналларда бўлиб, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ҳамда 42 та расм ва 23 та жадвалдан ташкил топган. Илмий иш ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида амалга оширилган илмий ишнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, илмий ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Биринчи «**Мириззи синдромини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**» номли боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, учта кичик боблардан иборат, ушбу бобларда Мириззи синдроми турли типларининг замонавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу патология нисбатан кам ҳолларда учрасада, бироқ у оғир бўлиб, касалланиш ва ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичлари билан кузатилади. Анъанавий клиник-лаборатор ва инструментал усуллар ўз имкониятлари кучи доирасида Мириззи синдромининг турли типларини тўлиқ ташхисини таъминлаб бера олмайди. Шу сабабли ҳозирги вақтга қадар Мириззи синдроми турли типлари бўйича ўтказилган операциялардан кейин ўлим ҳолатларининг юқорикўрсаткичлари сақланиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида беморларнинг ушбу тоифасини хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш заруриятини белгилаб беради.

Иккинчи «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» бобида текширилган беморлар ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи келтирилган. Илмий иш 2002 йилдан 2019 йилгача РШТЎИМ хирургик бўлимларида ётқизилган ЎТК билан асоратланган МС турли типлари билан оғриган 280 нафар беморлар ташхиси ва даволаниш натижаларининг

таҳлилига асосланган. Бунда МС турли типларига биз қуйидагиларни киритдик: биринчи – асосий морфологик белги, у гепатикохоledохнинг торайиши билан ўз ифодасини топган, иккинчи – гепатикохоledох ва ўт пуфаги орасида окманинг юзага келиши билан тавсифланувчи белги.

Даволаш-ташхислаш жараёнлари тактикаси ва усулларида келиб чиққан ҳолда МС билан оғриган беморларнинг ҳаммаси икки гуруҳга ажратилди: асосий ва назорат гуруҳлари. Назорат гуруҳига анъанавий даволаш-ташхислаш тактикаси қўлланилган 158 нафар (56,4%) бемор киритилди. Асосий гуруҳга киритилган 122 нафар (43,6%) беморларда даволаш-ташхислаш жараёнлари нур ва эндовизуал ташхислашнинг замонавий усуллари, ҳамда тери орқали эндобилиар ва лапароскопик аралашувлар билан тўлдирилди. Қайд этиш керакки, тадқиқот гуруҳлари ёши, жинси, асосий патологияси ва унинг асоратлари, ёндош келувчи патологияларга кўра ўзига хос бўлган. Улар ўзаро МС ташхиси ва уни бартараф қилиш учун қўлланилган ташхислаш-даволаш тактикасига кўра фарқ қилган.

Касаллик билан оғриганлар орасида эркаклар 89 нафар (31,8%), аёллар – 191 нафар (68,2%) бўлган. Беморларнинг ўртача ёши $57,8 \pm 5,3$ ёшни ташкил қилди. Текширилган беморларнинг 21 нафариди (7,5%) биз биринчи типдаги МС, 259 нафариди (92,5%) эса II типдаги МС ни аниқладик, улар ХБО мавжудлиги билан тавсифланган, ҳамда хоledох девори емирилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда учта кичик гуруҳларга тақсимланди: II А тип – айланасининг 1/3 қисмигача (93), II В тип – айланасининг 2/3 қисмигача (155) ва II С тип – 2/3 қисмидан то бутун айланасигача (11). Текширилган беморларнинг ҳаммасида умумий билирубиннинг 25 дан 1000,7 мкмоль/л. гача ошиши билан механик сариқлик клиникаси кузатилган бўлса, 157 нафар (55,9%) беморда эса у ЙХ билан уюшиб келган.

Текширилган беморларда механик сариқлик ва ЙХ ривожланиши уларнинг умумий ҳолатларининг оғирлашувида ўз аксини топган, бу эса ўз навбатида даволаш-ташхислаш тактикасини танлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Текширилган беморлар умумий аҳволининг оғирлигини аниқлашни биз объектив клиник-лаборатор ва инструментал ўлчамлар асосида амалга оширдик. Текширилган беморларни умумий аҳволларининг оғирлигига кўра тақсимланишини биз 1-жадвалда келтирдик.

1-жадвал.

Текширилган беморларни аҳволларининг оғирлигига кўра тақсимланиши, n=280

Аҳволнинг оғирлик даражаси	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Енгил	41	14,6	29	10,4	70	25,0
Ўртача оғир	103	36,8	81	28,9	184	65,7
Оғир	14	5,0	12	4,3	26	9,3
Жами	158	56,4	122	43,6	280	100,0

Текширилганларнинг умумий аҳволининг оғирлигига уларда ёндош касалликларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатди. Тадқиқот усуллари сифатида умумий клиник, инструментал (УТТ, ЭРПХГ, МРПХГ, ТОЖОХГ, ВЛС) тадқиқотлар, шу билан бирга тиббий-биологик статистика усуллари қўлланилди.

Диссертация ишининг учинчи «**Миризи синдроми турли типлари ташхисини оптималлаштириш**» бобида Миризи синдроми турли типлари ташхисининг ўзига хос хусусиятларининг таҳлили ўтказилди ва ташхислашнинг мавжуд усуллари оптималлаштириш амалга оширилди. Текширилган беморларда умумий клиник ва лаборатор текширувларни ўтказиш билан бир қаторда инструментал ташхислаш ишлари ҳам амалга оширилди, бундан мақсад МС типини аниқлаштириш, ҳамда оператив аралашувлар усулини танлаш бўлди.

Асосий ва назорат гуруҳларида МС турли типларини анъанавий ташхислаш гепатопанкреатобилиар соҳа УТ текширувини ўз ичига олди, биз бу текшириш усулини скрининг усули деб ҳисобладик ва бу текшириш усулини текширилган беморларнинг барчасида ультратовуш ташхислашнинг кўп функцияли аппаратларида (SiemensAdaraSonoline, Германия), Mindray (Хитой), (FukudaDenshi FF Sonic UF-4000, Япония) ва дуплекс сканерловчи аппаратда (Hitachi EUB – 6000, Япония) реал вақт тартибида амалга оширдик.

Бунда текширишдан ўтказилган беморларнинг жами 280 нафарида 1004 та турли кўринишдаги ультратовуш белгилари аниқланди. Яримга яқин ҳолатларда биз томондан текширилган беморларда эхоскопик белги холедох ичидаги конкрементларнинг мавжудлиги ҳисобланади (47,1%). Шу билан бир қаторда 95,7% беморларда умумий ўт йўлининг ва жигар ичи йўллари кенгайганлиги (90,0%) аниқланди, бу юқорида келтирилган белгилар биргаликда ўт йўли ичи гипертензиясининг мавжудлигидан далолат беради (2-жадвал).

2-жадвал

МС турли типлари билан оғриган беморларда аниқланган эхоскопик белгилар, n= 280

Эхоскопик белгилар	Жами беморлар	
	Абс.	%
Умумий ўт йўлининг кенгайиши	268	95,7
Жигар ичи йўллари кенгайиши	252	90,0
Ўт киртошли холециститни аниқлаш	155	55,4
Умумий ўт йўли датошларнинг мавжудлиги	132	47,1
Буришган ёки қисқарган ўт пуфаги	125	44,6
Жигар ҳажмининг катталашishi	26	9,3
Асцитик суюқликнинг мавжудлиги	22	7,9
Ошқозон ости бези ҳажмининг катталашishi	12	4,3
Ўт йўллари шикастланиш белгилари аниқланмаган	12	4,3

Жами	280	100,0
------	-----	-------

Бундан ташқари, шу билан бирга беморларнинг маълум бир қисмида ошқозон ости беzi ҳажмининг катталашганлиги аниқланди (4,3%). 55,4% беморларда холедохолитиаз ўткир тошли холецистит билан биргаликда уюшиб келган, 44,6% беморларда эса буришган ёки қисқарган ўт пуфагининг мавжудлиги аниқланган. Текширилган беморларнинг бир қисмида эхография ўтказилиши вақтида биз жигар ҳажмининг катталашганлиги ва унинг зичлашганлигини (9,3%), ҳамда қорин бўшлиғида асцитик суюқлик (7,9%) мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу каби ўзгаришлар биз томондан ушбу беморларда жигар етишмовчилиги белгилари сифатида баҳоланди.

Афсуски, беморларда қорин бўшлиғида газларнинг мавжудлиги, қон айланишининг етарли даражада эмаслиги ва асцитнинг мавжудлиги УТ текшируви маълумотлилигини сусайтириб юборган. Ушбу ҳолатлар УТТ сохта ижобий (СИ) ва сохта салбий (СС) натижаларининг кўпайишига, 12,1% беморларда шошилиш хирургик аралашувларнинг асосиз кечиктирилишига олиб келди. Ташхислаш натижаларини яхшилаш мақсадида биз 58 нафар беморда УТ текширувини динамикада қўладик, бунда ут йўли ичи гипертензиясининг эхографик белгилари аниқланди, улар бу каби текшириш биринчи мартта ўтказилганида аниқланмаган, ҳамда унинг самарадорлиги 74,6 фоизгача ошган.

Тадқиқотларнинг анъанавий усуллари орасида текширилган беморларда ташқи ўт йўллариининг мавжуд патологияга доир энг аниқ ва тўлиқ маълумотларни биз уларда катта дуоденал сурғич соҳасининг бевосита текширилиши билан ўказилган ЭГФДС, ЭРПХГ билан ЭПСТ текширишларлардан ташкил топган махсус рентген-эндоскопик тадқиқотлар ўтказишимиз давомида қўлга киритдик (1-расм).




1-расм. Бемор Н., 49 ёш. к/т рақами 47729. ЭРХПГ. Мириizzi синдроми II-типи.

Шу билан бирга биз томондан 19 нафар беморда МС биринчи типи аниқланган бўлса, 210 нафар беморларда ушбу патологиянинг ХБО билан биргаликда кузатилувчи иккинчи типи аниқланди. Жами 229 нафар беморда 567 та касаллик белгиси аниқланди, бунга сабаб бир нафар беморнинг ўзида касалликнинг 2-3 та белгисининг бир вақтда мавжудлиги аниқланган. МС биринчи типи учун гепатикохоledохнинг ҳар қандай бўлимида ички диаметрининг торайиши ва ўт йўллариининг супрастенотик кенгайиши (15) энг хос белгилар бўлган. ХБО шаклланиши билан кечувчи иккинчи типдаги МС холатида энг асосий рентгенологик белгилар сифатида блокирловчи конкрементнинг гепатикохоledохнинг урта 1/3 қисмида жойлашиши (86%), ҳамда бир вақтда хоledох терминал бўлиmlари кенгайишининг йўқлиги (60,7%) хизмат қилган.


ХБО билан асоратланганиккинчи типдаги МС ташхисини яхшилаш мақсадида биз янги МРТ-хоledангиография (МРХПГ) кўринишидаги усуллардан, ҳамда тери орқали жигар орқали хоledангиография (ТОЖОХГ) услубидан фойдаландик, ушбу усуллар юқори даражадаги маълумотлилиги ва беморлар учун нисбатан ишончли даражада хавфсизликка эгаллиги билан ажралиб туради.

Биз МРХПГ усулини асосий гуруҳнинг 57 нафар беморида магнитли-резонанс томографда ўтказдик. Бунда биз ҳар доим ўт йулининг (ЎЙ) деярли бутун узунлиги бўйлаб, хаттоки 4-тартибнинг жигар ичи йўллари гача олинган учқарралик аниқ тасвирини олишга эришдик. МРХПГ беморлар седациясини ўтказишни, контраст моддасининг юборилишини талаб этмайди, ҳамда беморларнинг рентген нурлари билан нурланиши кузатилмайди (2-расм).



2-расм. Бемор М., 52 ёш, к/т рақами 9955. МРХПГ. Конкремент холедохнинг ўрта учдан бир қисмида.

ТОЖОХГ усули умум қабул қилинган услуб бўйича асосий гуруҳнинг 28 нафар беморида бажарилди. Бундан ташқари ушбу усул катта дуоденал сўрғични техник имкониятлар туфайли эндоскопик конюляция қилиниши имконияти бўлмаган назорат гуруҳининг 4 нафар беморида қўлланилди (3-расм).



3-расм. Бемор Э., 48 ёш, к/т рақами 33237. ХБО билан келган МС холатида ТОЖОХГ.

Олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ ҳолда анъанавий ва ташхислашнинг таклиф этилган янги усуллариининг ташхислашдаги аҳамиятини аниқлаш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Мириззи синдроми турли типларини аниқлаш бўйича олинган натижалар биз томондан кейинчалик сезувчанлик, ўзига хослик ва умумий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш билан аниқ ижобий (АИ), аниқ салбий (АС), сохта ижобий (СИ) ва сохта салбий (СС) дея баҳоланди. Бунда ХБО билан асоратланган МС иккинчи типини диагностикасида янги магнитли-резонанс тамограф воситасида (МРХПГ) ва эндобилиар (ТОЖОХГ) ташхислашни киритиш билан анъанавий ташхислашни амалга ошириш ушбу патологияни сифатли ва ишончли даражада аниқлаш имконини бериши аниқланди.

Тўртинчи боб – «**Мириззи синдромининг турли типларини даволаш жараёнини яхшилаш**». Назорат гуруҳи ва асосий гуруҳнинг МС турли типлари билан оғриган беморларда биз икки босқичли даволаш тактикасини қўлладик. Бундай йўл тутишга иккала гуруҳ беморларининг ҳаммасида ҳам механик сариқлик, ҳамда уларнинг 157 нафарида ЙХ мавжудлиги сабаб бўлди. Даволашнинг биринчи босқичида механик сариқликни бартараф этиш ва ЙХ ҳолатини бартараф қилиш мақсадида қуйидаги кўринишдаги

эндоскопик оператив аралашувларни бажардик: 20 нафар беморда ЭРПХГ ЭПСТ ва литоэкстракция (ЛЭ), беморларнинг 41 нафариди ЭРПХГ ЭПСТ ва назобилиар найчалаш (НБН), ЭРПХГ ЭПСТ ва холедохни стентлаш иккала гуруҳдаги 25 нафар беморда (3-жадвал), ҳамда тери орқали-жигар орқали холангиография (ТОЖОХГ) ва тери орқали-жигар орқали холангиостомия (ТОЖОХС) 32 нафар беморда.

3-жадвал.

МС да ЭРПХГ натижалари, n=229

Эндобилиар аралашувлар	Абс.	%
ЭРХПГ ва ЭПСТ +ЛТ+ ЛЭ	20	8,7
ЭРХПГ ва ЭПСТ + НБД	41	17,9
ЭРХПГ ва ЭПСТ + ЭС	25	10,9
ЭРПХГ ва ЭПСТ	143	62,5
Итого:	229	100,0

Иккала гуруҳдаги қолган 143 нафар беморда ЭРПХГ ва ЭПСТ аралашувлари ташхислаш тавсифига эга булди. Ушбу беморларга оператив аралашувнинг иккинчи босқичи шошилиш тартибда ўтказилди. 29 нафар ҳам назорат (21), ҳамда асосий гуруҳ (8) беморларида ёндош келган оғир патологиянинг мавжудлиги сабабли даволашнинг биринчи босқичи якуний бўлди.

Қолган 251 нафар беморларга иккинчи босқичда мавжуд МС турли типларини кескин бартараф этиш мақсадида оператив аралашувлар ўтказилди. Улардан 153(61%) нафар бемор шошилиш, 98(39%) нафар беморлар эса кечиктирилган тартибда операция қилинди. Агар биринчи типдаги МС ҳолатида (21) асосий оператив аралашув ё анъанавий кириш йўли билан, ёки видеолапароскопия (ВЛС) билан бажарилган холецистэктомия (ХЭК) бўлган бўлса, ХБО билан асоратланган иккинчи типли МС билан оғриган беморларда эса (230) биз хирургик коррекциянинг турли ҳилдаги кескин тавсифдаги вариантларини қўлладик. Бунда назорат гуруҳининг 137 нафар беморида ушбу аралашувларнинг барчаси анъанавий лапаротом йўли билан амалга оширилди. Бундан фарқли равишда асосий гуруҳ беморларида, биринчидан, лапароскопик аралашувларни биз энг устувор деб топдик ва 18,0% беморларда амалга оширдик. Иккинчидан, асосий гуруҳдаги 91 нафар беморда ХБО бўлган иккинчи типдаги МС бартараф этиш учун клиникамиз томонидан ишлаб чиқилган пластиканинг янги усули қўлланилди. Ва ниҳоят, учинчидан, биз ХБО билан келган МС даволашнинг янги лапароскопик усулини ишлаб чиқдик, бу усул асосий гуруҳнинг 15 нафар беморида амалга оширилди. Маълум бир операция вақтидаги техник қийинчиликлар ҳолатида назорат ва асосий гуруҳ беморларининг бир қисмида (5) лапароскопик аралашувларни биз анъанавий лапаротом усулига ўзгарттирдик.

Мириззи синдромининг турли типлари бўлган назорат гуруҳи ва асосий гуруҳ буморларида ўтказилган даволаш натижалари даволаш-ташхислаш протоколига миниинвазив аралашувларни кенг қўламда жорий қилиш, ҳамда ХБО билан асоратланган иккинчи тип Мириззи синдромини даволашнинг янги лапароскопик усулини қўллаш сезиларли даражада беморларнинг ушбу оғир мажмуини даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилашини ишончли равишда исботлади (4-жадвал). Бу операциядан кейинги оғирлашишлар сонининг камайиши, ўлим ҳолатларининг қисқариши ва беморларнинг шифохонада қолиш кунларининг камайишида ўз ифодасини топди.

4-жадвал

Назорат ва асосий гуруҳ беморларини даволаш натижалари, n=251

Кўрсаткичлар	Назорат n=137	Асосий n=114
Операциядан кейинги асоратлар, абс. (%)	28 (20,4%)	12 (10,5%)
Беморларнинг шифохонада даволаниш муддати, ётоқ-кунлар	18,4±1,3	10,3±0,9
Ўлим ҳолатлари, абс. (%)	8 (5,8%)	2 (1,8%)

ХБО билан асоратланган иккинчи типдаги СМ билан оғриган 15 нафар беморда биз Ўзбекистон республикасининг интеллектуал мулки агентлигининг 25.03.2019 й. IAP 20190005 сонли ижобий қарорини олган даволашнинг лапароскопик усулини қўладик. Биз ишлаб чиққан янги усул даволашнинг лапароскопик усули бўлиб, техникавий жиҳатдан мақбул ва клиник жиҳатдан самарали ҳисобланади (4-расм).



а



б




в



д

4-расм. Даволашнинг янги лапароскопик усули. Операция босқичлари: пуфак-холедохеал оқма(а); холедождан тошнинг олиб ташланиши (б); пуфак-холедохеал оқма пластикаси (в); Кер бўйича холедохни дренажлаш (д).

Мириззи синдромининг турли типлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларига асосланиб биз Мириззи синдромининг турли типларини даволаш-ташхислашнинг замонавий исботли тиббиёт ва амалий шошилинич ва билиар хирургия талаб-эҳтиёжига мувофиқ келувчи янги алгоритмини ишлаб чиқдик. Ушбу алгоритм учун электрон-хисоблаш машиналари дастурига мўлжалланган ЎзР патент бошқармасининг 27.03.2020й.DGU 08024 сонли патенти олинди (5-расм).



5-расм. Мириizzi синдроми ҳолатида даволаш-ташхислаш алгоритми.

ХУЛОСА

1. Ўтказилган ретроспектив таҳлилда беморларни анъанавий текшириш усуллари ХБО шакилланиши билан бирга кузатиловчи иккинчи типдаги МС ташхислашнинг тўлиқлигини ва барча клиник ҳолатларда бемор учун хавфсизлигини таъминлаб бера олмаслигидан далолат беради.

2. Иккинчи типдаги МС ташхислашнинг таклиф қилинаётган замонавий магнитли-резонанс тамограф воситасидаги (МРХПГ) ва эндобилиар (ТОЖОХГ ТОЖОХС билан) усуллари сезувчанликнинг (мувофиқ ҳолда 98,1% ва 98,2%), ўзига хослиги (мувофиқ ҳолда 90,0% ва 87,5%) ва самарадорлигининг (мувофиқ ҳолда 94,1% ва 92,8%) юқори кўрсаткичлари билан ажралиб туради, ҳамда ушбу патология мавжудлигининг эрта ва шубҳасиз тўғри аниқланишига ёрдам беради.

3. МС турли типлари билан оғриган асосий гуруҳ беморларини ташхислаш ва даволашда миниинвазив усулларни кенг кўламда қўллаш операциядан кейинги асоратларни 20,4 % дан 10,5 % гача, ўлим билан яқунланиш ҳолатларининг 5,8 % дан 1,8 % гача, ҳамда беморларнинг стационарда қолиш муддатининг $18,4 \pm 1,3$ дан $10,3 \pm 0,9$ кунгача шубҳасиз аниқ камайишига олиб келади.

4. Холецистобилиар окмали Мириззи синдромини даволашнинг ишлаб чиқилган янги лапароскопик усули техник жиҳатдан мақбул, клиник жиҳатдан самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали оператив аралашув ҳисобланади.

5. Янги даволаш-ташхислаш алгоритми анъанавий ва янги ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш усуллари МС турли типлари билан оғриган беморларга ёрдам кўрсатиш таркибида ўрни ва ролини белгилаш ва амалий билиар хирургия талаб-эҳтиёжларига энг мувофиқ келувчи усулдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНОМ
ЦЕНТРЕ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР ЭКСТРЕННОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

ГУЛОМОВ ФУРКАТ КАЙЮМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОЙ
ТАКТИКИ ПРИ СИНДРОМЕ МИРИЗЗИ**

14.00.40 – Экстренная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2018.1.PhD/Tib 594.

Диссертационная работа выполнена в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.emerg-centre.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Хаджибаев Фарход Абдухакимович,
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Ризаев Камал Саидакбарович,
доктор медицинских наук

Хакимов Мурод Шавкатович,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный медицинский институт.

Защита состоится « 8 » января 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 при Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (Адрес: 100081, Ташкент, Чиланзарский район, Кичикхалкайули, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; e-mail: uzmedicine@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи (зарегистрирована за №). Адрес: 100115, Ташкент, Чиланзарский район, ул. Кичикхалкайули, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Автореферат диссертации разослан « 25 » декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 06 от 25 декабря 2020 года).



А. М. Хаджибаев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

Д. А. Алимов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.м.н.

Б. К. Алтыев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, в мире в связи с увеличением заболеваемости желчнокаменной болезнью (ЖКБ) отмечается рост числа больных с осложненными формами данной патологии. Одним из осложнений ЖКБ является синдром Мирizzi (СМ), в рамках одного процесса сопровождающийся стенозированием просвета гепатикохоледоха в проксимальных отделах или холецистобилиарным свищом (ХБС) и практически всегда сочетающийся с развитием механической желтухи (МЖ) и гнойного холангита (ГХ). Частота СМ среди всех осложнений ЖКБ, по разным данным, составляет от 2,7 до 5,0%, а летальность при этой патологии достигает 14%.

Высокие показатели летальности обусловлены, во-первых, развитием и формированием в послеоперационном периоде печеночно-почечной недостаточности вследствие нарастания эндотоксемии и коагулопатии, обусловленной МЖ и ГХ. Во-вторых, имеется серьезная опасность возможного повреждения магистральных желчных протоков во время экстренных вмешательств в связи с имеющимися в них морфологическими изменениями. В-третьих, нередко возможно развитие послеоперационной стриктуры гепатикохоледоха, требующей с вероятностью до 20,8% проведения «...сложных реконструктивных оперативных вмешательств...»¹. В связи с этим проблема диагностики и лечения ЖКБ, осложненной ХБС, до настоящего времени сохраняет свою актуальность, так как многие вопросы остаются нерешенными.

В частности, имеется недостаточная четкость в вопросах диагностики ЖКБ, осложненной ХБС, отсутствует «...обоснование роли и места эндобилиарных способов и современных методов лучевой диагностики...»², а также последовательности их применения. Наряду с этим до настоящего времени среди хирургов нет единого мнения относительно выбора конкретного пособия во время традиционных операций по хирургической коррекции ЖКБ, осложненной ХБС. Окончательно не установлены возможности «...лапароскопических способов лечения больных с ЖКБ, осложненной развитием пузырно-билиарных свищей...»³. В связи с этим, не разработаны четкие стандарты оказания экстренной медицинской помощи больным с данной патологией. На основании вышеприведенных данных можно сделать вывод о настоятельной необходимости дальнейших исследований по проблеме ЖКБ, осложненной ХБС.

Проведение таких исследований служит выполнению задач стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, содержащей 5 основных

¹Глебова А.В. Синдром Мирizzi: диагностика и дифференциальное хирургическое лечение: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – СПб, 2014. – 19 с

²Хаджибаев Ф.А. Роль и место эндобилиарных вмешательств в хирургическом лечении механической желтухи доброкачественного генеза: Дис. ... д-ра мед. наук. – Ташкент, 2015. – 84-115 с.

³Antoniou S.A., Antoniou G.A., Makridis C. Laparoscopic treatment of Mirizzi syndrome: a systematic review // Surg. Endoscop. – 2010. – Vol. 24. – P. 33-39.

